# ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕДАГОГИКА ИЛМИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Бугун таълим ва тарбия соҳаси билан у ёки бу даражада боғлиқ кишиларнинг деярли барчаси педагогика илмидаги чуқур инқирозни тасаввур этмаслиги мумкин эмас. Узоқ йиллар барча соҳаларда бўлгани каби фанда, хусусан, педагогика фанида ҳам маъмурий—буйруқбозлик тизими ва кераксиз сиёсийлаштириш услуби бениҳоя салбий из қолдирди.

Инқироз ҳар қандай соҳада ҳам, ҳар қандай фанда ҳам, шубҳасиз, зарарли. Аммо тарбия ва тиббиёт соҳасидаги инқироз ва нотўғри йўлдан боришнинг оқибатлари жамият учун, айниқса, ҳалокатлидир. Бу ҳақиқатни инсоният англаб етганига неча минг йиллар бўлган. Неча асрларки, кишилик жамияти инсоннинг ақлий ва маънавий камолоти учун тинимсиз қайғуриб келади, аммо бу қайғуриш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар гоҳ расо, гоҳ норасо йўлдан кетиб, жамият тараққиётининг баъзан мислсиз юксалишига, баъзан эса чуқур маънавий бўҳронларга юз тутишига олиб келганлигига қўҳна ва холис тарих гувоҳ. Ақлий ва маънавий камолотсиз жамият ривожи ҳақида гапириб бўлмайди. Мустақил Ўзбекистонимиз раҳбарияти бу қоидага изчил амал қилмоқда. Юртбошимиз И. Каримов кўплаб нутқларида сермазмун рисолаларида, халқ вакиллари билан қилган кенгашларида, хусусан, Ўзбекистон Олий Кенгашининг XIII сессиясида сўзлаган нутқида фан ва халқ таълимини ривожлантириш давлат сиёсатининг энг устивор йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу устивор йўналишни амалга оширишда педагогика фани зиммасига ҳам муҳим вазифалар тушади.

Педагогика илмидаги инқирознинг туб илдизлари, энг аввало, унинг миллий заминдан, кўҳна Шарқнинг минг йиллик теран анъаналаридан узилиб қолганлигида, мутлақо ўзга миллий асосларга таянган ҳолда талқин қилинганлигида, мутлақо бошқа ўлчов билан «тўн бичилган»лигидадир. Аввалги йилларда таълим тизимимиз жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган эди. Бу аҳвол тубдан ўзгартирилиши лозим.

Миллий заминдан узилган «муаллақ» педагогика илмининг, «илғор совет педагогикаси»нинг улкан ютуқлари ҳақида лоф уриб юрилган ўша даврларда ҳам анча-мунча мутахассислар бу фандаги сохталик ва инқирозни билар эдилар, аммо бугун барчага маълум сабабларга кўра буни очиқ айтиш, энг ками, урф эмас эди. Республикамиз раҳбариятининг оқилона ҳаракатлари туфайли юзага келган сиёсат барча муаммоларга холис кўз билан қараш имконини туғдирганига анча бўлди. Бундан бир неча йил илгари матбуотда миллий мактаб муаммоларига бағишланган бир қатор мақолалар эълон қилиб, унда миллийликдан йироқ педагогиканинг нафи нечоғлик бўлиши ҳақида фикр баён қилган эдик. Яшовчан ва чинакам самарадор педагогика аввало миллий асосга эга бўлмоғи лозимлигини таъкидлагандик. Икки йиллик мустақиллик шароитида беҳад кўплаб масалалар ўзининг холис ечимини топди, шунинг учун бугун педагогиканинг энг аввало миллий бўлиши кераклигини исботлаб, асослаб ўтиришнинг зарурияти йўқ. Литва ёки Россиядаги педагогик тизим маънавий ва миллий, тарихий ва маданий, ҳудудий ва руҳий жиҳатларига кўра Ўзбекистондагидан фарқли бўлиши зарурлиги бугун аниқ. Бу гап, албатта, педагогика тизимларининг оқилона меъёрлардаги ўзаро таъсирини ҳеч бир инкор этмайди.

Педагогика илмидаги инқирознинг моҳияти нимадан иборат? Бу инқирознинг моҳияти, энг аввало, бу фаннинг ҳаётдан орқада қолганлигида, таълим-тарбиянинг тараққиёт жараёнларини, унинг амалиётидаги муаммоларни олдиндан кўра билмаганлигида, ижрочи эмас, ижодкор шахсни тарбиялаш, тарбия ва таълимда миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш, янгича тафаккур тарзини шакллантириш йўлларини аниқ кўрсатиб беришга интилмаганлигидадир. Бир сўз билан айтганда, педагогика илми замондан, мустақил Ўзбекистонимизнинг янгича суръатларидан ортда қолди.

Бугун замон билан ҳамқадам бўлмоқ, янги Конституциямиз, «Таълим ҳақидаги қонуни»миздан келиб чиқадиган таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштиришнинг самарали ва оқилона йўлларини белгилашдай муҳим, айни чоғда долзарб вазифаларни ҳал этмоқ учун педагогика фанларига нималар етишмаслигини тайин этмоқ зарур. Халқнинг, энг аввало ёш авлоднинг маданий, маънавий ва ақлий камолотини таъмин этиш, шахснинг энг муҳим қобилиятларини ривожлантириш, ҳар бир ёшда муайян бир нарсага қизиқишни, дунёни тугал кўра билиш малакаларини таркиб топтириш, руҳий фожиаларнинг олдини олиш ва бошқа шу каби таълимий-тарбиявий фаолиятларни аниқ тизимга тушириш учун педагогика илми олдидаги асосий муаммоларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Мантиқий исботланган, тажрибада синалган мукаммал объектив қонуниятлар ҳақидаги билимларсиз фаннинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Табиийки, уларсиз ҳодисалар ва жараёнларни холис илмий баҳолаш, талқин қилиш, олдиндан кўра билиш, тушунчаларни ўзгартириш ёки қайта қуришнинг ҳам имкони йўқ. Аммо бизнинг педагогика илмимиз, таассуф билан очиқ айтиш мумкинки, ана шу муҳим асоссиз, яъни назарий текширилган, ҳар томонлама асослаб исботланган, аниқ тажрибалар орқали синаб кўрилган қонунларсиз иш кўриб келди. Қонунлар ва уларнинг хусусиятлари муаммоси педагогикада беҳад кучсиз ишланган, бу борада умумий мунозаралардан нари ўтилмаган. Таълим ва тарбиядай фавқулодда муҳим соҳанинг бениҳоя мураккаб ва мунтазам қонуниятлари борлиги табиий, лекин бу қонуниятлар, таъбир жоиз бўлса, пайпаслаб ўрганиб келинганга ўхшайди. Бу қонуниятлар, шубҳасиз, улкан меҳнат ва машаққатлар билан кашф этилмоғи керак, лекин ҳозирча уларни инкишоф этиш ўрнига ё амалий қўллаш ўта мушкул бўлган умумий қоидалар билан чегараланилади, ёки бошқа бир вазият учун мутлақо татбиқ этиб бўлмайдиган жуда тор, хусусий қоидалар «кашф қилинади». Бунинг оқибатида кўҳна Шарқда энг нуфузли ва муқаддас ҳисобланган педагогика илмининг теран ва таранг тилсимлари очилмай қолиб келди.

Таълим ва тарбия жараёнларининг, педагогик ҳаракатнинг мақсадлари, имконлари, мазмуни, шароитлари, воситалари ва натижалари ўртасидаги холис, барқарор алоқаларни билмаганлиги, яъни педагогика қонунларини кашф этмаганлиги учун педагогика фани, табиийки, амалиётга ҳам бундай қонунларни, демакки, жўяли бирон-бир фикрни тавсия этолмайди. Тугал назариясиз самарали амалиётнинг бўлиши мумкин эмаслиги азалий ҳақиқатдир.

Айтилган муаммоларни муайян ўзаро алоқадорликда олиб, фақат турли инсоншунослик илмлари мутахассислари иштирокидаги комплекс тадқиқотлар йўли билан ишлаб чиқиш ва самарали ҳал этиш мумкин.

Маълумки, инсонни турли фанлар — фалсафа, жамиятшунослик, педагогика, психология, физиология, этнография, тилшунослик, адабиётшунослик ва бошқа фанлар ўрганади. Аммо ҳатто нисбатан бир-бирига анчайин яқин фанлар (масалан, педагогика ва психология) ҳам ўз тадқиқотларини бир-биридан ажралган ҳолда олиб боради. Бунинг сабабларидан бири фаннинг жамиятдаги фаол ўрнига етарли баҳо бера олмасликдир. Инсоншунослик фанлари бир-бири билан алоқадорликда иш олиб борса, бугунги мутлақо янги жамият кишиси тарбияси ишига жиддий таъсир кўрсата олади. Шахс тарбияси қонуниятларини фақат файласуфлар, жамиятшунослар, мантиқшунослар, педагоглар, физиолог ва медиклар умумий экспериментал база асосида яхлит тадқиқот олиб боргандагина тугал ўрганиш мумкин.

Ўзбекистонда чинакам педагогик инсоншуносликни яратиш ишига халақит бераётган муаммолар фақат юқорида айтиб ўтилганларгина эмас. Ўз тамойилига кўра ғайриилмий қоида ва қолипларни, қонунларни ортмоқлаб олган педагогика тарихи ҳам қайта кўриб чиқилиши зарур. Таассуфки, педагогика тарихи мутахассислари бу заруриятни ҳали охиригача англаб етганлари йўқ, акс ҳолда, биз уларнинг янгича талқинларни акс эттирувчи, ҳеч бўлмаганда, бир неча илмий ва оммабоп мақолаларини матбуот саҳифаларида ўқиш шарафига муяссар бўлардик. Тўғри, адабиётшунос ва тилшунослар, тарихчиларнинг бу йўналишдаги айрим мақолалари чоп этилмоқда, лекин педагогика тарихи мутахассислари негадир сукут сақламоқдалар.

Бугун тарихий-педагогик манбаларни тўплаш, уларни тегишли илмий ишловдан ўтказиш, ўрганиш методикасини ишлаб чиқиш, тугал тизимга солиш долзарб вазифалардан. Шарқ педагогикаси тарихи бениҳоя бой ва ранг-баранг бўлиб, уни ўрганиш жуда катта куч ва масъулиятни талаб этади. Албатта, бу ишни фақат педагогика тарихи мутахассисларининг ўзлари бажара олмайдилар, тарихчи, тилшунос ва адабиётшуносларнинг ҳам жиддий ёрдами зарур бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, тарихчи, шарқшунос ва филологлар бундай ишни аллақачон бошлаганлар, жуда кўплаб манбалар улар томонидан нашр қилинди ва қилинмоқда, гап бу ишларни бир мақсадли режага туширишда қолган. Бу ишларнинг сўнг мақсади Марказий Осиё халқларидаги тарихий-педагогик жараёнларнинг энг қадимги даврлардан то бизнинг кунларгача бўлган вақтдаги яхлит тавсифини яратишдан иборат бўлмоғи лозим, токи ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам, тарбиячи ҳам мазкур улкан тарихий даврнинг таълим-тарбия концепцияси ҳақида камида умумий тасаввурга эга бўлсин.

Фақат узоқ ўтмишдаги миллий педагогик тафаккур тарихинигина тадқиқ этиш билан чегараланиб қолмаслик керак. Яқин ўтмишдаги педагогик жараёнлар ҳам янгича, мустақил нигоҳ билан чуқур тадқиқ этилиши зарур. Педагогика тарихи мутахассислари, масалан, мактабларнинг миллий маданиятдан йироқлашуви оқибатида инқирозга юз тутгани ва чинакам миллий мактаб яратиш муаммоларини синчковлик ва холислик билан таҳлил ва тадқиқ этмоқлари лозим. Нафақат ҳал қилиниши мумкин бўлган қандай янги муаммолар мавжудлигини аниқлаш (бу педагогика назариясининг вазифаси), балки нима учун ҳозирга қадар педагогика илмининг кўплаб анъанавий муаммолари ҳал қилинмаганлиги, нима учун педагогика назарияси узоқ йиллар педагогика амалиётини «оч қолдиргани»ни ҳам тушуниш ва тушунтириш (бу педагогика тарихининг вазифаси) кечиктириб бўлмайдиган масаладир.

Бизда узоқ вақт бошқа миллий педагогикалар тарихини ўрганиш урф бўлди, ўзимизнинг педагогикамиз тарихига эса етарли эътибор қилинмади, рус А. Макаренко, чех Я. Коменский ва бошқалар ижоди ўзбек педагогикаси тарихи учун байроқ бўлди. Энди ўнгланиш бошланмоқда. Аммо, таъкидлаш жоизки, биз, масалан, XIX аср рус ёки араб педагогикаси тарихини ўрганишни дарҳол тўхтатиш керак демоқчи эмасмиз. Фақат унутмаслигимиз шартки, чуқур инқироздан чиқмоқ учун педагогикамиз тарихидаги ҳозиргача сунъий равишда юзага келтирилган «бўш катаклар»ни тўлдирмоқ лозим, тарихий — педагогик билимларни биринчи навбатда она тарихимиздан олмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Бусиз педагогика илмининг самарадорлиги, миллий моҳияти мазмуни ҳақида гапириб бўлмайди.

Педагогика илмининг ибтидоси ўқитувчининг амалий тажрибасига бориб тақалади. Фан ва илғор тажриба бирбири билан узвий боғлиқ. Бугун республикамизда илғор ва ижодкор ўқитувчиларни излаб топиш ва рағбатлантириш бўйича кўп ва хўб ишлар қилинмоқда, биргина ўқитувчиларнинг республика кўрик-танловлари ўтказилаётганлигини олиб кўринг. Булар асосида бир қатор ўқитувчиларнинг тажрибалари умумлаштирилмоқда ва оммалаштирилмоқда. Лекин ҳар қандай илғор тажриба бевосита фаннинг ўрнини боса олмайди. Бундай тажрибалар илмий асосда ўрганилиб, чуқур тадқиқ этилиб, қонуниятлар шаклини олгандагина фан деб аталмиш олий ва оддий ҳақиқатлар юзага келади. Кўплаб педагогик рисолаларда умумий гаплар, иқтидорли ўқитувчиларнинг ижодий тажрибаларини қайд этиш билан чекланиб қолиш устунлик қилади, назарий умумлашмалар, қонуниятлар билан алоқадор фикрлар йўқ ҳисоби. Педагогика илмига бундай ўта жўн ёндашиш, табиийки, зарарлидир. Педагогика назариясини чинакам маънода яратмасдан, уни амалиёт билан боғламасдан туриб, том маънодаги миллий мактаб муаммоларини ҳал этиш амри маҳол. Миллий мактаб эса мустақил Ўзбекистонимизнинг устивор истиқболини таъмин этувчи муҳим омиллардан бири эканлигини исботлаб ўтиришнинг бугун мутлақо ҳожати йўқ.

Педагогика илмининг ривожига тўсиқ бўлган омиллардан яна бири бу фаннинг кераксиз сиёсийлаштирилиши натижасида келиб чиққан чет эл педагогикасига нотўғри муносабатдан иборат. Мустақиллигимиз муносабати билан бугун чет эл педагогикасининг илғор ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконлари очилди. Бошқа илғор давлатларнинг миллий таълим тизимидаги энг мақбул йўналишлардан ижодий фойдаланган ҳолда ҳозир республикамизда олий таълимнинг икки босқичли тизими (бакалавр ва магистр)га ўтилмоқда. Педагогика фани бу билан боғлиқ муаммоларни ҳам тадқиқ этишга жадал киришмоғи керак.

Педагогика илмининг инқироздан чиқиши учун муҳим муаммолардан бири педагогик кадрларни сифатли тайёрлаш масаласидир. Аввало айтиш керакки, кейинги ўн йилликларда Ўзбекистонда на педагогика олий ўқув юртларида, на университетларда «Педагогика» ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрланмади. Бу, албатта, педагогик тадқиқотларнинг сифати ва самарадорлигига таъсир этмай қолмади, бевосита педагогикадан мутахассис бўлмаган кишилар педагогика муаммолари билан шуғулланиб келдилар. Фақат эндигина Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида «Педагогика» ихтисослиги учун ўқув режаси тузилиб, шундай мутахассисларни тайёрлаш бошланди. Докторантура ва аспирантура орқали юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга янгича муносабат шаклланмоқда. Институтимиз қошида иш олиб бораётган педагогика бўйича докторлик диссертацияларининг ҳимоясини ўтказувчи ихтисослаштирилган кенгашдан умидимиз катта. Бу кенгашнинг талабчан ва таниқли олимлардан иборат аъзолари бугунги замон талабларига жавоб бера оладиган чуқур назарий илмий-педагогик тадқиқотларнинг яратилишига кўмак беради. Институтимизда «Миллий мактаб» лабораторияси ишлаб турибди. Дангал айтиш мумкинки, институтимиз жуда катта илмий потенциалга эга. Бугун иқтисодий аҳвол барчамизга маълум, аммо педагогик тадқиқотларни жадал ривожлантириш долзарб вазифалардан бири. Шунинг учун бизнинг институтимиз қошида мавжуд кучларнинг ишини мувофиқлаштириш ва ягона мақсадга йўналтириш учун педагогик тадқиқотлар марказини ташкил этиш маъқул кўринади. Бу албатта, қўшимча катта маблағ талаб этмайди, лекин бу йўналишдаги тадқиқотларни яратиш ва илмий асосда бошқариш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим ҳақидаги қонун», Президентимизнинг бир қатор фармонлари давлатимизнинг илмий салоҳияти, ақлий заҳираларини сақлаш ва бойитиш, олим меҳнатини рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш учун ишончли ҳуқуқий асослардир. Очиқ айтиш зарурки, бугунги қийинчиликларга қарамасдан, Ўзбекистонимизнинг шижоатли раҳбарияти энг муҳим муаммолар бўйича олиб борилаётган назарий ва амалий тадқиқотлар дастурларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Бу дастурларнинг ишланишида бизнинг институтимиз профессор-ўқитувчилари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Олий мактаб ўқитувчиларининг моддий аҳволини яхшилаш, Ўзбекистонимиз илмий салоҳиятини юксалтиришнинг асосий манбаларидан бири бўлмиш талабаларга изчил ғамхўрлик қилиш бўйича юртбошимиз кўплаб фармонларга имзо чекдилар.

Бундай ғамхўрликларга жавобан биз институтдаги ўқув ва илмий фаолиятни янада такомиллаштиришни, педагог, психолог, услубиётчи ва бошқа мутахассисларнинг ҳамкорликдаги иши орқали миллий педагогика, миллий мактаб, таълимнинг давлат андозаси (стандарти) каби муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этишни ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим ҳақидаги қонун»идаги «Таълимнинг давлат стандартлари (андозалари)» деб номланган 6-модда узлуксиз таълим концепциясини ўртага қўйди. Бу концепция таълимнинг барча бўғинларини тубдан қайта қуриш, бу бўғинларни ягона узлуксиз таълим тизими сифатида интеграциялашни кўзда тутувчи ғоя ва қоидалар тизими шаклида идрок этилади.

Бундай назарий концепцияни ишлаб чиқиш энг долзарб вазифадир. Бу вазифа биринчи навбатда амалга оширилмоғи лозим.

Педагогика илми ва таълим тизимини ривожлантириш концепциясининг тахминий таркиби унда қуйидаги асосий масалаларни акс эттириш заруриятидан келиб чиқиб тайин этилиши керак:

— Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли шароитида таълим тизими ва педагогика фанига қўйиладиган ижтимоий-иқтисодий талаблар;

— узлуксиз таълим ягона тизимининг яхлитлик, ворисийлик ва илмий тахминлаш нуқтаи назарларидан тавсифи;

— давлат ва давлат тасарруфидан ташқаридаги таълим турли тизимчаларининг ягона узлуксиз таълим тизимидаги роли ва ўрни;

— таълимнинг турли босқичларидаги ўқув-тарбиявий фаолиятнинг бош унсурларига алоқадор бўлган концептуал қоидалар: таълимнинг мақсадлари, мазмуни, турли ёш тоифаларидаги ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтиришнинг усул ва шакллари; таълим муассасаларининг моддий-техник жиҳозланиши;

— таълимни бошқариш, уни демократлаштиришнинг йўллари;

— ягона узлуксиз таълим тизимининг мутахассис ходимлар билан таъминланиши;

— мамлакатда ягона узлуксиз таълим тизимини яратиш шароитида педагогика фанини ривожлантиришнинг назарий концепцияси;

— илмий педагогик муассасалар тузилишини қайта қуриш, педагогика фанини бошқаришнинг тамойилларини ишлаб чиқиш, педагогика илмининг амалиётга таъсирини кучайтириш;

— концепцияни амалга оширишнинг асосий босқичлари, умумдавлат мақсадли «Таълим» комплекс дастурини яратишнинг назарий-методологик ва ташкилий — бошқарув шарт-шароитлари.

Таълим тизимига қўйиладиган ижтимоий-иқтисодий талабларни асосли равишда белгилаб олмоқ учун, бизнингча, қуйидаги ишларни бажариш лозим:

— таълимнинг барча бўғинлари фаолияти натижаларининг жамиятнинг тинимсиз мураккаблашиб ва ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларидан орқада қолишига олиб келаётган диалектик зиддиятлар ва асосий камчиликларни тадқиқ этиш;

— Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли шароитида турли типдаги таълим муассасаларининг битирувчилари шахсига қўйиладиган ижтимоий талабларни аниқлаш ва илмий асослаш;

— асосий ва қўшимча таълимнинг илғор вазифаларини амалга оширишнинг аниқ имкониятларини тадқиқ этиш ва асослаш; таълим соҳасида пишиб етилган ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда қарорлар қабул қилишнинг моҳияти ва механизмларини очиб бериш.

Айни пайтда таълимнинг ягона тизими давлат ва давлат тасарруфидан ташқаридаги таълим муассасалари комплексидан иборатлигини, бундай комплекс таълим бўғинларининг бирлиги ва ворисийлигини таъмин этиш баробарида умумтаълим, политехник ва касб тайёргарлигидан иборат вазифаларни мувофиқлашган ҳолда бажаришини очиб бермоқ мақсадга мувофиқ.

Ана шу маънода таълимнинг давлат андозасини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Республикамиз ҳукумати бундай андозани ишлаб чиқишга жиддий эътибор бермоқда. Республикамиз Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида мазкур вазифани бажариш учун етакчи мутахассислардан иборат махсус давлат комиссияси тузилган.

Таълимнинг давлат андозаси таълим соҳасида давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги ва фуқароларнинг давлат олдидаги мажбуриятларини акс эттирувчи асосий ҳужжат бўлади. Бу ҳужжатга кўра давлат ўз фуқароларидан андозада кўрсатилган маълумотлилик даражасига эришишни талаб этади ва ўз навбатида бу даражага эришиш учун зарурий таълимий шароитларни яратиб беришни кафолатлайди. Шу тариқа юзага келтириладиган мажбуриятлар мутаносиблиги талаб ва имконият алоқасининг ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Бундай мутаносиблик ҳар қандай сиёсатнинг, шу жумладан, таълим соҳасидаги сиёсатнинг ҳам самарадорлиги учун муҳим шартдир.

Таълим андозаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

— таълимнинг ҳар бир босқичида тегишли ҳажмда берилиши лозим бўлган билим мазмунининг тавсифи;

— ўқувчиларнинг мазкур билим ҳажми доирасида минимал зарурий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар;

— ўқувчилар ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми.

Таълимнинг давлат андозаларини ишлаб чиқишда жаҳон таълим амалиёти мезонлари билан ўзбек халқининг минг йиллик маданий — илмий анъаналарини уйғунлаштирмоқ ҳам зарурий шартлардан биридир.

Албатта, таълимнинг ягона давлат андозалари лицей, гимназия каби турли хил мактаб типлари мавжуд бўлишини мутлақо инкор этмайди.

Таълимнинг давлат андозалари тўлақонли таълим ҳажми ва даражаларини қайд этади, улар, табиийки, дастур ва дарсликлар яратиш учун асос бўлади. Дастур ва дарсликлар андозалардан кенгроқ, чуқурроқ бўлиши мумкин, аммо улар андозаларда кўрсатилган даражани таъмин этмоғи шарт. Бу билан таълимнинг ҳар бир босқичидаги сифати кафолатланади, шунда таълимнинг ҳар бир босқичи ўзидан олдинги босқичга бемалол суяниш, асосланиши мумкин бўлади.

Табиийки, педагогика илми ҳам таълимнинг давлат андозалари концепцияси йўналишлари ва йўлларини тадқиқ этишга жиддий киришмоғи керак.

Биз ушбу мақолада мустақил Ўзбекистондаги педагогика илмини ривожлантиришнинг барча муаммоларини тўла қамраб олдик, деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Албатта, бу муаммолар жуда кенг ва мураккаб. Айни пайтда педагогика илмидаги инқирозни таҳлил этишдан мурод бу соҳа мутахассисларига таъна ёки маломат қилиш ҳам эмас. Ўзбекистонимизнинг муборак мустақиллиги шарофати билан ҳеч бир истисносиз барча соҳалардаги нотугаллигу мушкулотлар ўнгланиш томон юз бурмоқда. Шу жумладан, педагогика илмимиз ҳам ўнгланиш ибтидосида турибди.

**Комил ЮСУПОВ,**
**Низомий номидаги ТошДПИ ректори, профессор.**

• *Халқ таълими бўлимларида*

# ЯНГИЛИК ЎЗИ БИР ДАРС




Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти амал қилаётган ҳозирги шароитда ёш авлодга таълим-тарбия бериш ишини оқилона ташкил этиш асосий узлуксиз устивор вазифалардан биридир. Чунки келажаги буюк Ўзбекистоннинг бугуни ва эртаси ҳар томонлама баркамол, билимли, ишбилармон кадрларга боғлиқдир. Буни чуқур англаб етган пайариқлик маорифчилар туман таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга оширишга, ўғил-қизларга таълим-тарбия беришни «Таълим тўғрисида»ги Қонун талаблари даражасида ташкиллаштиришга асосий эътиборни қаратмоқдалар.

Бугунги кунда тумандаги 30 та ўрта, 11 та тўққиз йиллик мактабларда 18 мингдан зиёд ўғил-қиз таълим олмоқда. Уларга 2 мингдан ортиқ ўқитувчи сабоқ бераётир. Кейинги йилларда туман ҳокимияти билим масканларининг моддий-ўқув базасини мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари асосида халқ таълими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишга, ёш авлод таълим олиши учун шарт-шароитларни вужудга келтиришга алоҳида ғамхўрлик қилаётир. Эндиликда 10 та мактаб замонавий янги биноларга эга бўлганлиги, шу йилнинг ўзидаёқ 12 та фан кабинети техника воситалари билан мукаммал жиҳозланиб, ҳозир туман мактабларида бундай кабинетлар 134 тага етказилганлиги, ўқувчиларнинг касб таълими олиши учун 12 та темирчилик, 14 та тикувчилик, 2 та аралаш устахоналари вужудга келтирилганлиги мактабга катта эътиборнинг айрим далилларидир.

— Энг муҳими таълимга муносабат ўзгариб бормоқда. Бу ўғил-қизларнинг билим олиши ва камол топишига шарт-шароитлар яратишдагина эмас, айни пайтда таълим соҳасидаги янгиланишларда ҳам ўз ифодасини топаётир,— дейди туман халқ таълими бўлимининг мудири Хайрулла Ўтаганов.— Ўғил-қизларнинг хилма-хил янги дастурлар асосида ўқитилиши, иқтидорли болаларга эътибор, ихтисослашган синфларнинг ташкил этилиши каби янгиликлар таълим соҳасидаги муҳим ўзгаришлардир.

Таълим жараёндаги янгиликлардан бири ўқувчи билимини тест усулида синашдир. Бу усул ўқув-тарбия жараёнини пухта ташкил этиш, фан асосларини ўғил-қизларнинг эгаллаб олишларига қулай имконият яратиш, улар билимини тезкор аниқлаш ва зарур хулосалар чиқаришга восита бўлмоқда. Айни пайтда тест синовлари муаллим билими, маҳорати ва салоҳиятига ҳам холис баҳо беришнинг ўзига хос мезони бўлаётир. Шу сабабли тест синовларини мактаблар ўқув жараёнига жорий этиш оммалашиб бормоқда. Унинг дастлабки натижалари ҳам кўзга ташланди деб айтиш мумкин. Бунга фанлар бўйича ўтказилган олимпиадалар якунлари яққол мисол бўла олади. Туман, вилоят олимпиадаларида тест орқали юқори натижаларга эришган ўқувчиларимиздан 7 нафари республика олимпиадасида муваффақиятли иштирок этди. Мактабларнинг 6 нафар ўқувчиси эса тест синовларидан муваффакиятли ўтиб, ҳозир Туркия олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

Туман мактабларида рўёбга чиқарилаётган янгиликларнинг бош ижрочиси ўқитувчидир. Янги муқобил ўқув режалари, дастурларининг таълим-тарбия жараёнидаги муваффақияти унинг билими, маҳорати, тажрибаси, ижодий изланишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда таълим-тарбия масканларида ўқитувчи ижодкорлигини авж олдиришга, уларнинг билим ва маҳоратларини ўстиришга, илғор тажриба ва усуллардан ижодий фойдаланишни оммалаштиришга, айниқса, жиддий эътибор қаратилди. «Ўқитувчининг илғор тажриба майдони», «Ностандарт машғулотлар мактаби», «Очиқ дарслар» сингари амалий педагогик тарғибот шакллари вужудга келди. Булар айни пайтда ҳар бир муаллимни ўз устида тинмай ишлашга, изланишга, янгиликларни яратишга чорламоқда.

— Ижодкор ўқитувчиларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда,— дейди туман халқ таълими бўлими услубиёт хонасининг мудири Қилич Абдуолимов.— 16-мактаб биология ўқитувчиси У. Мислибоев, 1-мактаб тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Ш. Отақулов, 6-мактаб рус тили ва адабиёти муаллимлари Г. Баязитова, Л. Меньшикова, информатика ва электрон ҳисоблаш техникаси ўқитувчиси Ж. Норқулов, 21-мактаб она тили ва адабиёт муаллими М. Норқулов каби муаллимларимиз ижодкорлик кўрсатмоқдалар. Улар педагогик фаолиятларида янгича усулларни жорий этибгина қолмай, айни пайтда таълимнинг самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган янги-янги дастурий қўлланмалар ҳам яратмоқдалар. Жумладан, Жасур Норқуловнинг «Тенгламаларни «бейсик» усулида ечиш» дастури бўйича яратган китоби чоп этилди. Бу илмий-амалий иш ҳозир туманимиз информатика ва ЭҲМ фани ўқитувчилари учун ўзига хос қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

Муҳиддин Норқуловнинг «Адабиёт дарсларида маҳаллий халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш» тажрибаси ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, ўқувчилар «Туркистон» жамоа хўжалигининг Баҳрин қишлоғида яшаб ўтган ва яшаётган Ойтўла момо, Норжамол момо, Қаршигул момо, Тошбуви момо, Анорхол момо каби оғзаки ижодкорлардан барча жанр турлари бўйича 180 дан ортиқ ижод намуналарини ёзиб олдилар.

Туманда ижодий изланиш орқали юқори самарадорликка эришаётган педагогик жамоалар ҳам бор. Улардан бири Қ. Кўзиев номидаги 2-мактаб жамоасидир. Бу билим масканида илғор тажриба ва иш усулларини амалга жорий этиш яхши йўлга қўйилган. Уларнинг натижалари олимпиадалар, кўрик-танлов якунларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, бу мактаб вакиллари туман, вилоят олимпиадаларида, «Санъат ғунчаси», «Яшил чироқ» каби кўрик-танловларда мунтазам равишда 1—2-ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

— Камчилик ва муаммоларимиз ҳам талайгина,— дейди Ҳайрулла Ўтаганов.— Бироқ таълим тизимимиздаги ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ижодий изланишлари, туман ҳокимиятининг доимий ғамхўрлиги ва муаммоларни бартараф этишда асосий таянчдир. Шунинг учун ишонч билан айтиш мумкинки, туб ислоҳотлар орқали таълим-тарбияда юксак самарадорликка эришиш фаолиятимизнинг бош мақсади бўлиб қолаверади.

Ҳа, янгиланишда илк довон ошган пайариқлик маорифчилар чўққиларни кўзлаб дадил интилмоқдалар.

**О. ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**М. РАҲМОНОВ.**

**Суратда:** Пайариқ туман халқ таълими бўлими услубиёт хонаси мудири Қ. Абдуалимов ижодкор услубчилар билан суҳбатлашаётган пайт ва Қ. Кўзиев номидаги 2-мактаб немис тили ўқитувчиси Ойбек Лапасов ўқувчилар билан ўтказаётган дарс машғулоти тасвирга олинган.



